

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.F.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХАЙДАРОВ АСЛИДДИН НИЗАМИТДИНОВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОНДА АҲОЛИ ИСТЕЪМОЛ МАДАНИЯТИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ИЖТИМОЙ – ФАЛСАФИЙ  
МАСАЛАЛАРИ**

**09.00.04 – Ижтимоий фалсафа**

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2021**

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по философским наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on  
philosophical sciences**

**Хайдаров Аслиддин Низамитдинович**

Ўзбекистонда аҳоли истеъмол маданиятини такомиллаштиришнинг  
ижтимоий-фалсафий масалалари ..... 3

**Хайдаров Аслиддин Низамитдинович**

Социально-философские проблемы оптимизации культуры потребления  
населения Узбекистана..... 23

**Khaydarov Asliddin Nizamitdinovich**

Socio-philosophical problems of optimizing the culture of consumption of the  
population of Uzbekistan ..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 47

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.F.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХАЙДАРОВ АСЛИДДИН НИЗАМИТДИНОВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОНДА АҲОЛИ ИСТЕЪМОЛ МАДАНИЯТИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ИЖТИМОИЙ – ФАЛСАФИЙ  
МАСАЛАЛАРИ**

**09.00.04 – Ижтимоий фалсафа**

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.4.PhD/Fal254 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.samdu.uz](http://www.samdu.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Яхшиликков Жўрабой Яхшиликлович**  
фалсафа фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Саитқасимов Акбар Исаханович**  
фалсафа фанлари доктори, доцент

**Пардаев Мамаюнус Қаршибаевич**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Термиз давлат университети**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.F.02.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.:(0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (8366) 239-11-40; e-mail: [rektor@samdu.uz](mailto:rektor@samdu.uz) Самарқанд давлат университети Тарих факультети, 1-қават, 105-хона).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№\_\_\_\_-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_\_»\_\_\_\_\_куни тарқатилди.  
(2021 йил «\_\_\_»\_\_\_\_\_даги \_\_\_\_\_рақамли реестр баённомаси).

**Ш.Ш.Негматова**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси,  
фалсафа фанлари доктори, доцент

**Х.А.Джуракулов**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш котиби,  
фалсафа ф.б. фалсафа доктори (PhD), доцент

**А.Р.Самадов**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси,  
фалсафа фанлари доктори, доцент

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда кечаётган глобаллашув жараёнлари бугунги кунда бевосита инсон эҳтиёж ва манфаатлари ўртасидаги муносабатларни кескин ўзгартириб юбормоқдаки, инсоният учун зарур бўлган ва уни ўзлаштириш мумкин бўлган нарсаларни истеъмол қилиш деярли ҳамма учун одатий ҳолга айланиб бормоқда. Зеро, инсон шахс сифатида жамиятда, фуқаро сифатида давлатда ҳаракат қилиш учун муайян ижтимоий хизматларга, товарларга, билим ва ахборот олишга, транспорт, коммуникация воситаларидан фойдаланиш каби бошқа моддий ва маънавий воситаларга эҳтиёж сезиб келмоқда. Бу эса ҳар бир шахсдан ўз эҳтиёжларини қондириш жараёнида уларда ахлоқий меъёрларга асосланган замонавий истеъмол маданиятини шакллантиришга бўлган заруриятни талаб этмоқда.

Жаҳон илм-фанида етакчи илмий тадқиқот марказлари (“Consumers International”, “European Consumer Centres Network”) томонидан истеъмол маданияти билан боғлиқ концептуал аҳамиятга эга бўлган назарий-фундаментал, амалий-методологик тадқиқотлар олиб борилмоқда. Булар доирасида бозор муносабатларидаги талаб ва эҳтиёжларнинг ижтимоий ҳаётдаги уйғунлашуви, истеъмолчи ҳуқуқи ва мажбуриятлари ҳамда ҳуқуқатворини юксалтириш бўйича олиб борилаётган тадқиқотлар алоҳида ўрин тутди. Аммо бугунги глобаллашув жараёнида табиий ресурслардан инсонларнинг эҳтиёжларини қондириш мақсадида утилитар эҳтиёжлар ошиши, айрим фуқаролар онгида табиатга нисбатан нигилистик кайфиятнинг шаклланишини олдини олишда аҳоли истеъмол маданиятини янада юксалтириш билан боғлиқ илмий-назарий тадқиқотларни олиб бориш давр талабига айланиб бормоқда.

Мамлакатимизда бозор муносабатларига асосланган аҳоли истеъмол маданиятини шакллантириш давлат сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан бирига айланди. “Бизнинг устувор вазифамиз инсон салоҳиятини рўёбга чиқаришга ҳар томонлама кўмаклашиш, унинг асосий ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлашдан иборат”<sup>1</sup>. Шу маънода ҳар бир кишининг ҳуқуқларини, айниқса, истеъмолчилик билан боғлиқ ҳуқуқларини таъминлашнинг конструктив ечимини топиш ҳар қачонгидан муҳимдир. Бунда эса, аввало, аҳолининг истеъмол маданиятини шакллантириш ва юксалтириш механизмлари, мезонлари ҳамда қонуниятларини такомиллаштиришнинг замонавий концептуал асосларини ижтимоий фалсафий жиҳатдан тадқиқ этиш илмий жамоатчиликнинг муҳим тадқиқот объекти бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 11 сентябрдаги ПФ-5817-сон “Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий ва институционал

---

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Инсон ҳуқуқлари бўйича Осиё форумидаги нутқи. 2.11.2018. <http://uza.uz/posts/57924>

тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” фармонлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелдаги 221-И-сон “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 ноябрдаги 414-сон “Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳамда соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” номли устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Аҳоли истеъмол маданиятининг шакллантирилиши ва юксалтирилиши масалаларига бугунги замонавий бозор муносабатлари барқарорлигини таъминловчи асосий динамик кучи сифатида қараш мумкин. Шу боис, аҳолининг истеъмол маданиятини шакллантириш жараёнини илмий-амалий жиҳатдан тадқиқ қилиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ҳозирги кунда истеъмол масалаларига оид назарий муаммоларнинг айрим жиҳатларини хорижлик Э.Ж.Арноулд ва К.Ж.Томсон<sup>1</sup>, Ф.Джеймисон, М.Дуглас<sup>2</sup>, Э.Гоффлер, Ф.Фукуяма, Ж.Бодрийяр<sup>3</sup>, Г.Фоксол, Р.Голдсмит, С.Браун, Л.Келиа сингари олимларнинг тадқиқотларида кўриш мумкин.

Ғарб адабиётларида бир қатор тушунчалар истеъмолчилар маданияти тушунчасига яқин тушунчалар сифатида кўрсатилади. Жумладан: истеъмол маданияти (Ф.Фукуяма); маданий истеъмол, “энг кам тарқалган маданият” (Ж.Баудриллард); истеъмолчилар турмуш тарзи (М.Феатхерстоне); маданий технологиялар, глобал истеъмол (П.Стеарнс); маданий саноат (Т.Адорно); асосий маданият (С.Зизек) ва ҳ.к.

МДҲда Е.А.Брянцева, В.И.Верховин, А.Б.Гофман, В.Казанцев, Д.В.Иванов, А.Н.Ильин<sup>4</sup>, Ю.М.Осипов, Л.И.Ростовцева<sup>5</sup>, В.А.Ушакин каби тадқиқотчиларнинг илмий изланишларини санаб ўтиш мумкин.

Истеъмол маданияти муаммолари кўп қиррали бўлиб, бугунги кунда мамлакатимизда муаммонинг айрим жиҳатларини иқтисодчилар Ҳ.Абулқосимов, М.Қ.Пардаев, М.Абдурахманова, А.Ваҳабов, И.С.Очилов, М.Розиқова, А.А.Умаров, Б.Б.Беркинов, С.О.Ганиходжаев,

<sup>1</sup> Arnould E.J., Thompson C.J. Consumer Culture Theory. –London: Sage Publications, 2018.

<sup>2</sup> Douglas M., Isherwood B. The World of Goods: towards an anthropology of consumption. – London.: Routledge, 1996. – P. 169.

<sup>3</sup> Бодрийяр Ж. Система вещей. - М.: «Рудомино», 1995; Ж.Бодрийяр. К критике политической экономики знака. - М.: Библион – Русская книга, 2003.

<sup>4</sup> Ильин А.Н. Потребление и опасности, связанные с ним // Вопр. культурологии. -№ 4. 2011.

<sup>5</sup> Ростовцева Л.И. Потребительская культура как регулятор поведения потребителей. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора социологических наук. -Москва, 2004.

М.И.Алимардонов, А.Ш.Бекмурадов, Ш.Ш.Шодмонов<sup>1</sup>, Р.Алимов, Т.Т.Жўраев, ҳуқуқшунослар Х.Рахмонқулов, З.М.Исломов, О.Оқюлов, шунингдек, бевосита мавзу тадқиқи билан боғлиқ илмий изланишлар олиб борган Н.Ш.Саид-Газиева<sup>2</sup>, Ж.И.Бобоев<sup>3</sup> ва бошқаларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

Юқорида номлари зикр этилган тадқиқотчилар истеъмол маданияти феноменини ижтимоий фалсафа нуқтаи назардан махсус тадқиқот объекти сифатида ўрганмаган, балки иқтисодий, ҳуқуқий жиҳатдан фрагментар тарзда муаммога ёндашган. Ушбу ҳолатдан келиб чиқиб, мазкур тадқиқот ишида аҳоли истеъмол маданиятини шакллантириш ва юксалтириш билан боғлиқ муаммоларни ижтимоий-фалсафий нуқтаи назардан тадқиқ қилишга қаратилган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.**

Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 2017-2021 йилларга мўлжалланган ОФ-07-сон “Ҳаракатлар стратегияси контекстида умуминсоний кадриятлар ва жамият барқарорлиги” номли тадқиқот йўналиши доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** аҳоли истеъмол маданиятини шакллантиришнинг ижтимоий-фалсафий муаммоларини тадқиқ этиш ва муаммо ечими юзасидан таклиф-тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

истеъмол маданияти муаммоларига қаратилган тадқиқотлар эволюциясини кўриб чиқиш;

истеъмол маданиятининг ижтимоий-фалсафий таҳлили услубиятини ишлаб чиқиш;

“истеъмол маданияти” тушунчасини аниқлаш, таърифини бериш, унинг асосий шакллари ва таркибий-функционал мезонлари таснифини кўрсатиш;

истеъмол маданиятини шакллантиришда анъана, тарих ва маънавий мероснинг ўрнини ёритиб бериш;

истеъмол маданиятини шакллантиришнинг усул ва воситаларини кўрсатиб бериш;

истеъмол маданиятининг мамлакатимизга хос бўлган миллий маданий хусусиятларини ёритиб бериш;

истеъмол маданиятини шакллантириш механизмида ижтимоий институтларнинг ўрнини кўрсатиш ва уларнинг бу борадаги фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

Ўзбекистонда аҳоли истеъмол маданиятини юксалтиришнинг устувор йўналишлари бўйича амалий таклиф-тавсияларни илгари суриш ва уларни илмий-назарий жиҳатдан асослаб бериш.

<sup>1</sup> Шодмонов Ш.Ш., Алимов Р., Жўраев Т.Т. Иқтисодиёт назарияси. –Т.: “Молия”, 2002. – Б. 416.

<sup>2</sup> Саид-Газиева Н.Ш. Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш. Номз. дис. - Т.: 2003.

<sup>3</sup> Бобоев Ж.И. Истеъмолчи. У ким? // “Қонун ҳимоясида”. -№ 5. 2003.

**Тадқиқотнинг объектини** Ўзбекистонда аҳоли истеъмол маданиятини такомиллаштиришга қаратилган жараёнлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг предмети**ни аҳоли истеъмол маданиятини шакллантиришнинг илмий-назарий ва амалий муаммоларини ҳал қилиш жараёнида вужудга келадиган муносабатлар ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда фалсафанинг тизимли функционал таҳлили, объективлик, тарихийлик ва мантиқийлик, анализ ва синтез, социологик кузатув, контент анализ каби усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

шахс истеъмол маданиятини шакллантиришда таълим-тарбия институтларининг узлуксизлик, назорат қилувчи ва мувофиқлаштирувчи устувор тамойилларини давр характериға мос равишда ривожлантириш бирламчи омил эканлиги илмий жиҳатдан асосланган;

аҳоли истеъмол маданиятини юксалтиришда тарихий маданий тажриба ва илғор давлатлар муваффақиятларидан самарали фойдаланишнинг мослашувчи, ўзлаштирувчи, мувофиқлаштирувчи сингари потенциал имкониятлари аниқланган;

шахс истеъмол маданиятини шакллантиришда унинг эътиқоди, идеаллари, турмуш-тарзи, урф-одатлари, дунёқараши каби миллий имманент хусусиятларини ҳисобга олиш зарурлиги реал воқеликни визуал кузатиш орқали мантиқий далилланган;

шахснинг истеъмолчиликдаги фаоллиги, масъулияти, бурчи, истеъмол маданияти сингари сифатларини шакллантиришда дифференциал ёндашув орқали миллий анъана, маънавий мерос, диний қадриятлар каби ментал хусусиятларининг диалектик алоқадорлиги исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

тадқиқот натижаларидан давлат ва жамоат ташкилотларининг ушбу соҳага оид дастурларини ишлаб чиқишда ва фалсафий тадқиқот ишлари жараёнида фойдаланилган;

аҳоли истеъмол маданиятини шакллантириш ва юксалтириш билан боғлиқ бўлган устувор йўналишларга доир илмий-назарий хулосалар умумлаштирилган ва истеъмол маданиятини шакллантирувчи усул-воситалар аниқлаштирилган;

“истеъмол маданияти” тушунчасининг мазмун ва моҳиятини янада такомиллаштириш бўйича таклиф-тавсиялар ишлаб чиқилган;

истеъмол маданиятини шакллантириш ва юксалтириш бўйича илғари сурилган назарий-амалий таклиф ва тавсиялар асосида соҳага оид қонунчиликнинг такомиллашувига амалий манба бўлиб хизмат қиладиган методологик тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, хулоса, таклиф ва



тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишдаги истеъмол маданиятини шакллантириш бўйича илгари сурилган методологик таклиф ва тавсиялардан соҳа вакиллари фаолиятида ҳамда гуманитар илм-фан, айниқса, ижтимоий фалсафа, иқтисодиёт назарияси каби соҳаларига янгича ёндашувлар, фикрлар ва назарий хулосалар билан бойитиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, тадқиқот натижаларидан жамоат ташкилотлари, истеъмол ҳуқуқларини ҳимоя қилиш марказлари, олий ўқув юртлари, бизнес ва тадбиркорликни тарғиб этувчи ташкилотлар ҳамда маърифат муассасалари ўзининг кундалик фаолиятларида, шунингдек, мавзуга оид дарслик ва ўқув-методик қўлланмаларни тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбекистонда аҳоли истеъмол маданиятини такомиллаштиришнинг ижтимоий-фалсафий масалалари бўйича ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

истеъмол маданиятини шакллантиришда таълим-тарбия институтлари фаолиятининг устувор тамойилларини (узлуксизлик, динамиклик, ёш бўйича хосликни ҳисобга олиш) ривожлантириш зарурлигига оид илмий таклиф ва тавсиялардан Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерациясининг “Истеъмол маданияти нимадан бошланади?” мавзусидаги тарғибот лойиҳасини ишлаб чиқишда ҳамда Федерация томонидан 2019 йил 1-15 декабрь кунлари “Истеъмолчилар қайси соҳалардан норози?” мавзуси бўйича аҳоли ўртасида социологик тадқиқот (сўров) ўтказишда ва таҳлилий маълумотларни тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерациясининг 2020 йил 20 августдаги 01-307-сон маълумотномаси). Бу эса ўз навбатида, Республикамиз аҳолисининг истеъмолчилик саводхонлигини ошириш ва мониторинг қилиш, уларда истеъмол маданиятини юксалтириш ҳамда таъсирчан механизмларини яратишда давлат ва жамоат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтиришга хизмат қилган;

аҳоли истеъмол маданияти юксалишида миллий менталитет, тарихий маданий тажриба ва илғор давлатлар муваффақиятларини ҳисобга олишнинг бирлаштирувчи, йўналтирувчи, қиёслаш сингари потенциал имкониятларига доир таклиф ва тавсиялардан Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерациясининг 2020 йил февраль ойида ўтказилган “Истеъмолчи қонун ҳимоясида” номли маънавий-маърифий тадбир сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерациясининг 2020 йил 20 августдаги 01-307-сон маълумотномаси). Натижада истеъмолчиларнинг жамият ижтимоий ҳаётига таъсир даражасини янада оширишга, аҳоли истеъмол маданияти ва ҳуқуқий онгининг юксалишига ҳамда Ўзбекистон

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ҳудудий бўлимлари фаолиятини ривожлантириш ва такомиллаштиришга хизмат қилган;

истеъмол маданиятини шакллантиришда миллатнинг имманент хусусиятлари (этикоди, урф-одати, дунёқараши)ни ҳисобга олиш зарурлигига доир таклиф ва тавсияларидан Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг “Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги тўғрисида”ги Низомини ва “Маънавий оиладан бошланади” мавзусидаги ташкилий чора-тадбирлар дастурларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг 2020 йил 15 сентябрдаги 02-02/1157-сон маълумотномаси). Натижада оила ва маҳалланинг истеъмол маданиятини шакллантириш борасидаги ташаббускорлигини оширишда ва анъанавий урф-одатлар, миллий кадриятларнинг ўзига хос хусусиятлари бўйича маданиятли истеъмолчи қилиб тарбиялашда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг ҳудудий бўлимлари фаолиятини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга хизмат қилган;

аҳоли истеъмол маданиятини шакллантиришда дифференциал ёндашув орқали истеъмолчиликдаги фаоллик, масъулият, бурч сингари сифатлари билан бирга миллий анъана, маънавий мерос, диний кадриятлар каби ижтимоий ментал хусусиятларининг диалектик алоқадорлигига оид таклиф ва тавсиялардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Mahalla” телерадиоканали ДУК орқали 2019-2020 (I-чорак) йиллар давомида эфирга узатилган “Iste'molchi” таҳлилий кўрсатувининг қатор сонларининг сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Mahalla” телерадиоканалининг 2020 йил 21 августдаги 01-16-330-сон маълумотномаси). Натижада кўрсатувларнинг эфирда кенг оммага узатилиши мамлакатимиз аҳолисининг, айниқса, ёшларнинг истеъмол маданиятига оид билим ва кўникмаларни шакллантиришга сезиларли даражада ижобий аҳамият касб этишига хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 5 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестацияси комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та илмий мақола (5 та республика ва 2 та хорижий журналларда) чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 132 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Тадқиқотнинг “**Кириш**” қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ва илмий янгилиги асосланган. Илмий ишнинг мамлакатимиз фан ва технологиялари ривож-ланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги, объекти, предмети, методлари, мақсади ва вазибалари аниқланган. Изланишлар жараёнида олинган натижаларнинг илмий-назарий ва амалий аҳамияти, уларнинг амалиётга жорий қилинганлиги, апробацияси, нашр этилган ишлар, диссертациянинг ҳажми тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Тадқиқотнинг биринчи боби “**Истеъмол маданиятининг ривожланиш эволюцияси ва уни ўрганишнинг назарий – методологик асослари**” деб номланади. Ушбу бобда истеъмол маданияти тушунчаси, мазмуни, моҳияти, тарихий пайдо бўлиши ва ривожланиш тенденциялари ҳамда уни ҳаракатга келтирадиган объектив шарт-шароитлар ва субъектив омиллари илмий асосланган ва истеъмол маданияти даражаси бир қатор омилларга: тарихий, этник, ижтимоий, иқтисодий, географик ва иқлимий, шунингдек, илмий-техникавий тараққиётга боғлиқ ҳолатда шаклланиши ва ривожланиши тадқиқ этилган. Бобда, “Истеъмол”, “Истеъмолчи”, “Истеъмолчилик” ва “Истеъмол маданияти” тушунчаларининг фалсафий моҳияти ва ижтимоий хусусиятлари атрофлича таҳлил қилинган. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да бу атамалар қуйидагича изоҳланади. “Истеъмол (*арабча*) – ишлатиш, фойдаланиш; амалиёт, одат деган маънода қўлланилади. Шунингдек бу атама икки хил маънода қўлланилади: 1) иқтисодий-маиший эҳтиёжлар учун ишлатиш; қўллаш, фойдаланиш; 2) ейиш-ичиш; қабул қилиш маъноларида ишлатилади. Истеъмол қилмоқ (ёки этмоқ) атамаси эса, биринчидан эҳтиёж учун фойдаланмоқ; қўлламоқ, ишлатмоқ маъноларида, иккинчидан тановул қилмоқ; емоқ, ичмоқ маъноларида қўлланилади. Ушбу луғатда истеъмолчи атамасини “истеъмол қилувчи”, “ишлатувчи”, “фойдаланувчи”, “харидор” маъноларида қўлланилиши хусусида фикр билдирилади”<sup>1</sup>. Истеъмолчилик феномени моҳиятига кўра бу - инсон ўзининг мавжуд моддий ресурслари асосида эҳтиёждан келиб чиқиб, муайян турдаги маҳсулотни сотиб олишидир. Бундан кўринадики, истеъмолчилик фақатгина молиявий имкониятлар билан боғлиқ бўлмасдан, балки шахснинг онгида маълум бир маҳсулотнинг эгаси бўлиш хоҳишининг пайдо бўлишига ҳам боғлиқдир. Истеъмолчилик моҳиятига кўра энг асосий нарса истеъмол қилиш, эгалик қилишдир, уни қондирмасликнинг иложи йўқ. Агар у қондирилмаса, шахс тегишли бўлган ижтимоий гуруҳда бўлишдан норозилик ҳисси пайдо бўлишига олиб келади.

Тадқиқотда инсоннинг моддий, маиший, маънавий эҳтиёжларининг қондирилиши жараёнида инсон, жамият ва табиатнинг ўзаро бир-бирига таъсир доирасида истеъмол маданиятининг ошиб бораётганлиги, айти пайтда бу истеъмол маданияти жамиятда шунчаки оддий жараён бўлиб қолмаслиги

---

<sup>1</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2-жилд. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”. Давлат илмий нашриёти, 2006. – Б. 236.

шарти, бунда инсон онги ва маданиятини ўзгартира оладиган турли хил қараш, фикр ва мулоҳазаларни яратиш зарурлиги ҳақида фикр юритилади. Истеъмол маданияти маданиятнинг алоҳида шакли сифатида намоён бўлиб, уни кадриятлар, товарлар, хизматларни истеъмол қилишга қаратилган маданият тури деб баҳолаш мумкин.

Диссертацияда “Истеъмолчи” тушунчаси икки хил, бир томондан, ўз эҳтиёжларини қондирувчи, иккинчи томондан, ижтимоий-фалсафий маънода идрок этилиши таъкидланади. Ижтимоий-фалсафий нуқтаи назардан шахс ижтимоий ҳодисадир. Унинг ижтимоийлиги бу - жамиятнинг маҳсули ҳамда ижтимоий муносабатларнинг иштирокчиси эканлигидадир. Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 1-моддасида ҳам истеъмолчи тушунчасига таъриф берилган бўлиб, унда белгиланганидек, “истеъмолчи – фойда чиқариб олиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда шахсий истеъмол ёки бошқа мақсадларда товар сотиб олувчи, иш, хизматга буюртма берувчи ёхуд шу ниятда бўлган фуқаро (жисмоний шахс)”<sup>1</sup> сифатида кўрсатилган. Бу муносабатларни жамиятимизнинг ҳамма соҳаларида, кундалик шароитимизда кўрамиз, қатнашамиз ва ўз бирламчи ва иккиламчи эҳтиёжларимизни қондираемиз. Демак умумий маънода “истеъмолчи – истеъмол қилувчи, ишлатувчи, фойдаланувчи; харидор”<sup>2</sup>дир.

Фалсафий жиҳатдан эса истеъмолчи хулқи қуйидаги мантиқлар асосига курилади дейишимиз мумкин:

1. Истеъмол маданиятига тўла риоя қилиш ва бажариш.
2. Савдога ёлғон аралаштирмаслик (Бу талаб истеъмолчи ва ишлаб-чиқарувчига бирдек тегшишли).
3. Истеъмол товарларини тежаб ишлатиш, исроф қилмаслик, ортиқча сарфламаслик, захира сифатида ғамлаб бориш.
4. Сотувчи билан истеъмолчи маданияти ва одоби қоидаларига амал қилган ҳолда яхши муомалада бўлиш.

Бобда истеъмол жараёнида ишлаб чиқарувчи (баъзан бозорда сотувчи) ва истеъмолчи маданияти, уларнинг хатти-ҳаракатлари энг асосий масала ҳисобланиши кўрсатилиб ўтилди. Шу ўринда истеъмолчи ва сотувчи тушунчаси фарқини кўрсатиб ўтиш ўринли бўлиб, истеъмолчи муайян турдаги товарга эҳтиёж сезувчи (шахсий истеъмол қилишни ёки бошқа мақсадларни кўзлаб) ҳамда товар ёки иш (хизмат)га буюртма берувчи шахс. Бироқ истеъмолчи фойда олишни мақсад қилмайди, аксинча, товардан фақат шахсий мақсадларда фойдаланади. Сотувчи эса истеъмолчига товарни реализация қилувчи (етказиб берувчи) корхона, ташкилот, муассаса ёки яқка тадбиркорлик билан шуғулланувчи шахс.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Қонуни. “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги 221-И-сон Қонуни. 26.04.1996, 1-модда //www.lex.uz- Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

<sup>2</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2-жилд. –Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. –Б. 236.

Истеъмол маданиятининг ривожланиш эволюцияси ва уни ўрганишнинг назарий-методологик асослари ёритилган биринчи боб бўйича қуйидаги хулосалар илгари сурилди:

биринчидан, истеъмол маданияти бир қатор омиллар: тарихий, этник, ижтимоий, иқтисодий, географик ва иқлимий омиллар асосида, шунингдек, илмий-техникавий тараққиётга боғлиқ ҳолатда шаклланади ва ривожланади. У ижтимоий меҳнат натижасида яратилган бўлиб, назарий ва амалий билимларни ўзлаштириш орқали унга эгалик қилиш ва ундан фойдаланишни талаб қилади;

иккинчидан, маданиятнинг алоҳида шакли сифатида “истеъмол маданияти”ни қадриятлар, товарлар, хизматларни истеъмол қилишга қаратилган маданият тури деб баҳолаш мумкин. Истеъмол маданияти бевосита кишиларнинг ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданияти қай даражада шаклланганлигига боғлиқ бўлиб, бунда уларнинг ҳуқуқий онги қандай шаклланган бўлса, истеъмол маданияти ҳам шу даражада шаклланади, яъни қадриятлар, товарлар, хизматларнинг истеъмоли сифатий босқичга ўтади;

учинчидан, истеъмол маданияти асосини ташкил этадиган ғоялар ҳамда омиллар барқарор бўлиб, улар жамият тараққиёти, аҳолининг иқтисодий ва ҳуқуқий онгининг ўсишига мос равишда доимий ўзгаради ҳамда ривожланади. Истеъмолчининг иқтисодий ва фалсафий хатти-ҳаракатларини уйғунлаштириш – маданиятли истеъмолчини шакллантиришнинг муҳим омили ҳасобланади. Истеъмолчиларга иқтисодий, ҳуқуқий ва фалсафий ёндашилсагина, том маънодаги маданиятли истеъмолчини ярата оламиз;

тўртинчидан, том маънодаги истеъмолчи шахсини тарбиялаш ва камол топтириш, унинг истеъмол маданиятини шакллантириш жамият бутун иқтисодий ҳаётининг юксалишига хизмат қилади. Бу эса истеъмолчи хатти-ҳаракатини тўғри баҳолай олишига, шунингдек, ижтимоийлашув жараёнида шаклланадиган барча эҳтиёжларини қондиришга мотивация беради ҳамда ана шу эҳтиёжларни қондиришда муҳим омил вазифасини бажаради;

бешинчидан, кишилиқ жамияти тараққиётининг муайян босқичларида истеъмол мафқураси жамият аъзолари онгида етакчи мавқени эгаллаган бўлса, замонавий жамиятда эса истеъмол мафқураси инсоният онгида етакчи мавқени эгаллашининг олдини олиш лозим. Бу орқали жамиятнинг ҳар бир аъзоси онгига моддий бойликларни истеъмол қилиш ҳаётнинг мақсади ва маъноси бўлмаслигини сингдирилади, уларнинг истеъмолчи бўлиши билан бирга яратувчилик қобилияти шакллантирилади.

Диссертациянинг **“Ўзбекистонда аҳоли истеъмол маданиятини такомиллаштириш истиқболлари ва унинг ижтимоий-фалсафий масалалари”** деб номланган иккинчи боби мамлакатимиз ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий соҳаларида амалга оширилаётган ислохотларга бағишланади. Бунда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган қонун, қонун ости ҳужжатлари ва бошқа меъёрий-ахлоқий нормалар аҳоли истеъмол

маданияти ривожига ва истеъмолчилар ҳуқуқларини амалга оширилишига сезиларли даражада ижобий таъсир ўтказиши таҳлил этилади. Бобда мамлакатимизда яратилаётган истеъмолчилар ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунларнинг ижтимоий ҳаётда таъсирга эга бўлиши, қонун устуворлиги асосида истеъмол маданиятининг шаклланиши ва ривожланиши, истеъмолчиларнинг жамият ижтимоий ҳаётига таъсири даражасини янада ошириш, шунингдек, уларнинг жамият иқтисодий ҳаёти ва ишлаб чиқаришни юксалтиришда қатнаша олиш имкониятини таъминлашиши очиб берилган. Диссертацияда ишлаб чиқариш, савдо-сотик ва товар айирбошлаш сингари омиллар истеъмол маданияти ривожига ижобий таъсир кўрсатиши, ишлаб чиқариш ҳар бир тараққиётга юз тутган давлат иқтисодиётининг асосини ташкил қилиши, бу жараёнда жамият аъзолари ҳисобланган истеъмолчиларнинг ҳаёт тирикчилиги учун зарур бўлган неъматлар яратилиши тадқиқ этилган. Бунда ишлаб чиқариш салоҳиятининг ошиши бугунги фан-техниканинг ривожига боғлиқ бўлиб, фан-техника имкониятларининг ортиши талаб ва таклиф асосида миқдор ўзгаришларидан сифат ўзгаришларига ўтиш қонунига мувофиқ инсон эҳтиёжининг етарли даражада, талаб доирасида қондирилиши таъминланлиги кўрсатилиб ўтилган. Тадқиқотда аҳоли истеъмол маданияти ривожига меъёрий-ахлоқий нормалар ролини ошириш, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жараёнлари, ишлаб чиқариш, савдо-сотик ва товар айирбошлаш омилларининг истеъмол маданияти ривожланишига таъсирининг ижтимоий-фалсафий ҳамда аҳоли истеъмол маданиятини такомиллаштиришнинг инновацион, педагогик ва дидактик масалалари ижтимоий-фалсафий жиҳатдан таҳлил қилинади.

Истеъмолчилар ҳуқуқларининг қонун ҳимоясига олиниши бозор муносабатларини тартибга солиш, товар ва хизматлар сифати устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишда муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикасида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳаракати 1996 йил 26 апрель куни “Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинганидан сўнг бошланди. Ҳозирги кунга қадар Республикаимизда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган қатор Қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган бўлиб, жумладан Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 30 августда қабул қилинган “Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги тўғрисидаги” Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 6 январда қабул қилинган “Рақобат тўғрисида”ги ЎРҚ-319-сонли Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 сентябрдаги ПФ-5817-сонли “Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий ва институционал тизимини тубдан

такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони каби ҳужжатлар шулар жумласидандир.

Ишлаб чиқариш, савдо-сотик, айирбошлаш жараёнларида асосий субъектларидан бири сифатида бевосита истеъмолчи иштирок қилади. Бу жараённинг самарали ва тартибли бўлиши учун албатта, ишлаб чиқарувчи, сотувчи билан бир қаторда истеъмолчида ҳам истеъмолчи маданияти шаклланган бўлиши лозим. Шу ўринда истеъмолчилар хулқ-атвори ҳамда маданиятининг юқори даражаси хусусида тўхталиб ўтиш лозим. Фикримизча, истеъмолчилар хулқ-атвори ҳамда маданиятининг юқори даражаси маълум бир белгиларни ўзида мужассам қилиши лозим. У белгилар қуйидагилар:

- юқори даражадаги иқтисодий билим, кўникманинг мавжуд бўлиши;
- товарлар, хизматларни танлаш ва харид қилиш имконияти бўлиши;
- асосий эътиборни харидоргир марка, брендга йўналтириши;
- ишлаб чиқарувчидан маҳсулот ва хизматнинг белгиланган сифат ва миқдори ҳақидаги маълумотларни талаб қилиши;
- маҳсулотнинг утилитар хусусиятига ҳамда экологик хавфсизлигига аҳамият қаратиш. Бундай маданият шаклланган истеъмолчи ассортиментнинг янгиликлари, мода тенденциялари, замонавий маркетинг имкониятлари тўғрисида етарлича маълумотга эга бўлади.

Иккинчи боб бўйича қуйидагича хулоса қилиш мумкин:

*биринчидан*, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган қонун, қонун ости ҳужжатлари ва бошқа меъёрий-ахлоқий нормалар аҳоли истеъмол маданияти ривожига ва истеъмолчилар ҳуқуқларини амалга оширишларига сезиларли даражада ижобий таъсир ўтказади;

*иккинчидан*, мамлакатимизда яратилаётган истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунларнинг ижтимоий ҳаётда таъсирга эга бўлиши, қонун устуворлиги асосида истеъмол маданиятининг шаклланиши ва ривожланиши – истеъмолчиларнинг жамият ижтимоий ҳаётига таъсир даражасини янада оширади, шунингдек, уларнинг жамият иқтисодий ҳаёти ва ишлаб чиқаришни юксалтиришдаги қатнаша олиш имкониятини таъминлайди;

*учинчидан*, ишлаб чиқариш, савдо-сотик ва товар айирбошлаш сингари омиллар истеъмол маданияти ривожига ижобий таъсир кўрсатади. Ишлаб чиқариш ҳар бир тараққиётга юз тутган давлатда иқтисодиётининг асосини ташкил қилади, чунки бу жараёнда жамият аъзолари ҳисобланган истеъмолчиларнинг ҳаёт тирикчилиги учун зарур бўлган неъматлар яратилади;

*тўртинчидан*, ишлаб чиқариш салоҳиятининг ошиши бугунги фан-техниканинг ривожига боғлиқ бўлиб, фан-техника имкониятларининг ортиши талаб ва таклиф асосида миқдор ўзгаришларидан сифат

ўзгаришларига ўтиш қонунига мувофиқ инсон эҳтиёжининг етарли даражада, талаб доирасида қондирилишини таъминлайди;

*бешинчидан* аҳоли истеъмол маданиятини шакллантириш ҳамда такомиллаштириш бир қатор омиллар (иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, ташкилий, психологик, педагогик)га боғлиқдир. Ушбу омилларнинг ижобий имкониятларидан фойдаланиб, аҳоли айниқса, ёшларнинг истеъмол маданиятига оид билимларини ўстириш, ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг тараққиёти муваффақиятли бўлиши учун аҳоли истеъмол маданиятини юксалтириш муаммоларига комплекс ёндашиш ва унинг ечимини топиш зарур.

Диссертациянинг **“Аҳоли истеъмол маданиятини шакллантиришнинг назарий-амалий механизмлари”** деб номланган учинчи бобда мамлакатимизда аҳоли истеъмол маданиятининг шаклланишида давлатчилигимиз тажрибаси, миллий менталитетимиз, миллий ва диний меросимиз, анъанавий урф-одатларимиз, қадриятларимиз энг муҳим мезонлардан бўлиб ҳисобланиши кўрсатилиб ўтилган. Тадқиқотда бугунги глобаллашув даврида замонавий истеъмол маданияти моделини шакллантириш асосида аҳоли эҳтиёж ва манфаатларини уйғунлаштириш тенденцияларини янада терең англашга эътибор қаратилиб, унда жаҳон тарихий тараққиётининг бугунги ҳолати замонавий илм-фан доирасида аҳоли истеъмол маданиятини ривожлантириши, айниқса бу соҳадаги назарий ва амалий концептуал асосларини янада такомиллаштиришнинг ҳамда истеъмол маданиятини шакллантиришнинг замонавий усул-воситалари ва назарий-методологик тамойиллари кўрсатиб берилган. Шу билан бирга мазкур бобда аҳоли истеъмол маданиятини шакллантиришга қаратилган усул-воситаларни қай даражада қўллаш механизмлари юзасидан аниқ вазифаларни амалга ошириш бўйича амалий чора-тадбирлар белгиланган ҳамда аҳоли эҳтиёжларининг доимий тарзда ривожланиб бориши натижасида инсонларнинг табиий ресурсларга муайян даражада зарарли таъсирнинг ортиши, ўз навбатида, аҳолининг истеъмол маданиятига оид билимларини доимий равишда янада кенгайтириш лозимлиги объектив зарурият бўлиб қолиши таҳлил этилган.

Бобда инсон социал мавжудот бўлиб, шахс сифатида жамиятда, фуқаро сифатида давлатда ҳаракат қилиш учун муайян ижтимоий хизматларга, товарларга, билим ва ахборотлар олишга, транспорт, коммуникация воситаларидан фойдаланиш ва шу каби бошқа моддий ва маънавий воситаларга эҳтиёж сезиши тўғрисида ҳам фикр билдирилади. Зеро, инсон амалий фаолиятида зарурий эҳтиёжларни қондирмай туриб, баркамол шахс ёки мукамал фуқарони шакллантириб бўлмайди. Бу эса ўз навбатида, ҳар бир шахсдан моддий ва маънавий эҳтиёжини қондириши жараёнида маънавият, ахлоқий меъёрларга асосланган ҳолда истеъмол маданиятини тўғри шакллантиришни талаб этади. Халқимиз ҳаёт даражасини янада юксалтиришда, биринчи навбатда, ҳар бир шахснинг истеъмол тафаккурини,



дунёқарашини, умуман истеъмол маданиятини тўғри шакллантириш йўллари топиш муҳим аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан бу вазифаларни бажаришда истеъмол маданиятини шакллантириш элементлари бўлган аждодларимиз анъаналари, тарихи ва маданияти муҳим ўрин тутиб келган. Албатта, бозор муносабатлари шароитида маданият тамойилини бошқарувнинг ўзига хос тури сифатида ўзига хос бошқарув принципи сифатида белгилаб қўйилгани бежиз эмас. Яъни, ривожланаётган мамлакатлар менежерлари олдида турган асосий хулосалардан бири замонавий бошқарув тизимининг асоси сифатида ишлатилиши мумкин бўлган ўз анъаналари, тарихи ва маданиятининг элементларини топиш ва тан олишдир<sup>1</sup>.

Мамлакатимизда аҳоли истеъмол маданиятининг шаклланишида давлатчилигимиз тажрибаси, миллий менталитетимиз, миллий ва диний меросимиз, анъанавий урф-одатларимиз, қадриятларимиз энг муҳим мезонлардан бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқотда аҳоли истеъмол маданиятини шакллантиришда уларнинг хатти-ҳаракатларини тартибга солишнинг ижтимоий механизмларини ривожлантириш жараёнини вақт ва макон нуқтаи назаридан кўриб чиқиш муҳимлиги ҳам кўрсатилган. “Замонавий истеъмол маданияти моделини шакллантиришнинг муҳим усул ва воситалари” деб номланган параграфда, бугунги илмий-техника тараққиёти таъсирида жамият тараққиёти муттасил такомиллашиб, янги-янги технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этилиши самарасида маҳсулот ишлаб чиқариш самарадорлиги ошиб, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар сифати тубдан янгиланиб бормоқда. Бу эса одамларнинг янги технологиялар тўғрисидаги билимлари ва истеъмол даражасига оид тушунчаларининг кенгайишига олиб келмоқда. Шунингдек, ишлаб чиқаришда инсон ақл-заковатининг энг сўнгги ютуғи бўлган замонавий нанотехнология қурилмаларининг тезликда жорий этилиши ушбу технологик қурилмалар орқали яратилган моддий неъматларнинг инсон эҳтиёж ва манфаатларини тезкор суръатлар билан қондирилишида кўришимиз мумкин. Жамиятда ишлаб чиқарувчи кучларнинг ҳозирги замон илмий-техника инқилоби таъсири остида тубдан сифат ўзгариши, унинг интеллектуаллашуви масаласига келганда, бу тарихда мисли кўрилмаган янги давр, ишлаб чиқарувчи кучларнинг янги босқичга кўтарилишидир.

Тадқиқотнинг муҳим вазифаларидан бири - бугунги глобаллашув даврида замонавий истеъмол маданияти моделини шакллантириш асосида аҳоли эҳтиёж ва манфаатларини уйғунлаштириш тенденцияларини англашга қаратилганлигидадир.

Жаҳон тарихий тараққиётининг бугунги ҳолати замонавий илм-фан доирасида аҳоли истеъмол маданиятини ривожлантириш, айниқса бу соҳадаги назарий ва амалий концептуал асосларини янада

---

<sup>1</sup> Drucker P. Management and the World's Work // Harvard Business Review. 1998. № 5. - P. 75.

